



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

SCIENTIFIC COVERAGE OF THE PROBLEM OF CREATIVE ABILITIES IN THE WORKS OF EASTERN THINKERS

Alimov Xojageldi Mustafoyevich

Acting Professor, Department of “Psychology of Religion and Pedagogy” Doctor of
Psychological Sciences (DSc) International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. This article is devoted to the problem of creative abilities in the works of Eastern thinkers. It examines how this issue is addressed in the writings of our great scholars — Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Beruni, and Abu Ali Ibn Sina. According to their views, a child’s understanding of the essence of general concepts occurs only with the emergence of reason. It is noted that raising a child is an extremely delicate process that requires great care and the avoidance of mistakes. The characteristics of creative abilities include intelligence and sharpness of mind, quick comprehension, clarity of thinking, rapid acquisition of knowledge, deep understanding of problems, and strong memory and recall ability.

Keywords: Eastern thinkers, creative abilities, child’s general concepts, reason, child upbringing, thinking, knowledge, memorization, memory.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАР МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ ЁРИТИЛИШИ

АЛИМОВ Хўжагелди Мустафоевич

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессори в.б., психология фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Ушбу мақола Шарқ алломалари асарларида ижодий қобилиятлар масаласига бағишланган бўлиб, унда йирик алломаларимиздан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино асарларида мазкур масала



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

қандай ёритилгани ёзилган. Уларнинг фикрига кўра, боланинг умумий тушунчаларни моҳиятини билиши фақат ақлнинг пайдо бўлиши билан рўй беради. Бола тарбияси билан шуғулланиш жуда нозик иш эканлигини, бола тарбияси борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши, хатога йўл қўймаслиги лозим. Ижодий қобилиятга хос хусусиятлар қуйидагилар: зукколик ва зеҳни ўткирлиги, фаҳм тезлиги, зеҳн равшанлиги, билимни тез эгаллаши, масалани чуқур англаши, ёдлаш, хотира.

Калит сўзлар: Шарқ алломалари, ижодий қобилиятлар, боланинг умумий тушунчалари, ақл, бола тарбияси, зеҳн, билим, ёдлаш, хотира.

**НАУЧНОЕ ОСВЕЩЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ТВОРЧЕСКИХ
СПОСОБНОСТЕЙ В ТРУДАХ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ**

Аннотация. Данная статья посвящена проблеме творческих способностей в трудах восточных мыслителей. В ней рассматривается, как эта проблема освещена в произведениях наших великих учёных — Абу Насра Фараби, Абу Райхана Беруни и Абу Али Ибн Сины. По их мнению, осознание ребёнком сущности общих понятий происходит лишь с возникновением разума. Отмечается, что воспитание ребёнка является чрезвычайно тонким процессом, требующим предельной осторожности и недопущения ошибок. К особенностям творческих способностей относятся: сообразительность и острота ума, быстрота понимания, ясность мышления, быстрое усвоение знаний, глубокое понимание задач, способность к запоминанию и память.

Ключевые слова: восточные мыслители, творческие способности, общие понятия ребёнка, разум, воспитание ребёнка, мышление, знания, запоминание, память.

КИРИШ.

24



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

Шарқ алломаларининг илмий меросида шахснинг шаклланиши, ақлан ва жисмонан камол топиши масаласи атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, йирик алломаларимиздан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино асарларида ва бошқалар томонидан яратилган асарларда жамиятда инсонлар ва уларни тарбиялаш йўллари, таълим – тарбия бериш орқали ижодий салоҳиятларни ривожлантириш масаласи долзарблиги билан белгиланиб келинган. Берунийнинг билиш тўғрисидаги таълимоти унинг дурдона асрларини тадқиқ этувчилар эътиборини ўзига жалб этади.

Кишиларни ҳақиқий билимларини эгаллаши учун бўлган хусусиятлардан бирини ташкил этади. Беруний билимларни ўрганиш йўли билан қабул қилиниши кишиларнинг билмаган нарсасини билишга муҳтож бўлганлиги учун ҳам билим олишга киришганлари ҳақида ишларни далиллар асосида фикр юритган. Билим беришда болага нутқ маданиятини доимо сингдириш, хушмуомала бўлиши уни шод –хуррам ўсишига, билим олишига қизиқтириш, илмли бўлиш санъатини туғдиради.

Бола туғилгандан, яъни дастлабки кунларидан бошлаб ташқи дунёдаги нарсалар билан таниша бошлайди. Унинг онгида дастлабки тушунчалар пайдо бўлади. Бу ҳол нарсаларнинг қонуниятларини билиб олади, деган гап эмас, балки болада жўн ва содда билимлар ҳосил бўлади. Оила ва аτροφдан олган бу тасаввурлар боланинг билими, боланинг тараққиётини ўстириб боради. Беруний замонида болалар кўпинча оилада махсус мактабларда таълим тарбия олишарди. Беруний таъкидлаганидек, болани билими соддадан мураккабга қараб боради, бу илк ёшлиқдан (10-12 ёшлар) бошланади.

Абу Райҳон Беруний қарашлари. Абу Райҳон Беруний илми замон вақтсиз ҳосил бўлади деса, бунда у кишилардаги туғма қобилиятни, туғма истеъдодни



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

назарда тутган. Шунингдек, олим таълим –тарбияда ирсият, яъни ота –онадан ўтадиган биологик «мерос» га алоҳида эътибор берган.

Беруний илк ёшидаги ноёб қобилиятларни мия асаб тузилиши хусусиятлари билан белгилайди. Лекин бундай аломатли кишилар машҳур шахс бўлади, деган маънони бермайди. Ҳамма нарсани кейинчалик олиб бориладиган таълим – тарбия ҳал қилади. Яхши меъёрли таълим-тарбия натижасида баъзи ҳолларда қобилиятли болалар ўсиб улғайиб у ёки бу соҳада истеъдодли кишилар бўлиб етишадилар.

Таълим – тарбия беришини эътироф этган Беруний болаликдаги ярқираб кўринган ноёб қобилиятлар ёш ўтиши билан сўниши ҳам мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса айтмайди. Туғма қобилиятни назариясига нисбатан фақат Беруний эмас, балки ўша замон фани юқоридаги каби хулосада эди. Лекин қобилиятли, истеъдодли кишилар шу хислатларни рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларга эга бўлиб, сўнг меҳнат қилишлари керак. Шундагина ўша иқтидор ривожлана боради. Акс ҳолда қобилиятлар сўниши ҳам мумкин, бу масала ҳозир ҳам мунозаралидир. Чунки қобилияти жиҳатидан ўз тенгдошларидан устун бўлган бола баъзан орқада қолиши ёки тенгдошларидан ўзиб кета олмаслиги мумкин. Туғма қобилият ҳақида гапирганда, унинг ривожланиши учун машаққатли меҳнатга, фанга, билимларга ижодий ёндошиш ва унинг учун ажойиб туғилган шарт –шароит яратилмоғи лозим.

Абдурахмон Жомий қарашлари. Буюк мутафаккир олим Абдурахмон Жомий бола дунёқарашининг камол топишида мактаб ва муаллимнинг ролига катта баҳо беради. Унинг фикрига қараганда, муаллим ақлли, адолатли ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Жомий донолик билимдонлик ва илм маърифатни мактаб ҳақиқий олимларнинг жамият учун фойдаси ҳақида



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

гапирар экан, айна вақтда ўзини билимдон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Олимда эса жаҳолат ва нодонлик ботқоқига ботган воизлар, зоҳидлар, фақирлар, дарвиш ва шайхларни қаттиқ танқид қилади. Уларни дангасаликда, риёкорликда, мунофиқликда ва шухратпарастликда, текинхўрликда, билимсизлик ва саводсизликда айблади.

Жалолиддин Давоний қарашлари. Ж. Давоний боланинг умумий тушунчаларининг моҳиятини билиши фақат ақлнинг пайдо бўлиши билан рўй беради, деб таъкидлар экан, сезги ва ақли орқали ташғи дунёни билиши мумкинлигини тан олади. У бола тарбияси билан шуғулланиши жуда нозик иш эканлигини, бола тарбияси борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши, хатога йўл қўймаслиги лозимлигини айтади. Чунки бола ёшликда ўта таъсирчан, тез қабул қилувчи бўлади. Лекин фазилатларни ҳам, ёмон одатни ҳам фарқига бормасдан қабул қилаверади. «Болаларнинг қалби, - деб ёзади Давоний, худди нақш солинган тахтага ўхшайди ва суратларни осонликча қабул қилади»¹.

Бола тарбиясининг кейинги даври мактабдан бошланади. Муаллим ақлли, бола тарбиясидан яхши хабардор бўлган юксак фазилат эгаси бўлиши лозим. Олим талаба билан муомала ўртасидаги муносабатга алоҳида тўхталади. Агар ота унинг организмни жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, «ҳақиқатни тан олганда унингча муаллим, устоз», «маънавий падар» ҳисобланади. Агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия борасида ота-онага яқин туради. Давоний айниқса донолик фазилатини чуқур таҳлил қилади. Унинг фикрича, инсон ўзининг ижодий қобилиятини, ижодий истеъдодини тарбиялаш учун қуйидагиларга амал қилиши лозим:

¹ Давоний Ж. Ахлоқи Жалолий. – Т.: «Шарқ», 2000. – 33 бет



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

Биринчиси, зукколик ва зеҳни ўткирлигини. Зукколик кишининг муайян масалани тезда ҳал қила билиши, ундан ўзи кутган ва истаган натижасини ола билишида кўринади. Бу малакани касб қилиши кишидан тажриба ва ҳаракатчанликни талаб қилади.

Иккинчиси, фаҳм тезлиги бўлиб, бу кишининг кераксиз ва иккинчи даражали масалаларга ортиқча тўхталмаслиги, бутун диққатини муҳим ва зарур масалаларга тез қарата билиши, бошғача қилиб айтганда, мураккаб ва чигал масалалар ичидан энг муҳимини танлай билиши малакасидир.

Учинчиси, зеҳн равшанлигидир. Бу бирор масалани ҳеч қандай ғийинчиликсиз, осон йўл билан ҳам ғилиш истеъдодидир.

Тўртинчиси, билимини тез эгаллаш қобилиятидир. Киши маълум масалага бутун диққат эътиборини ғарата олиши ва уни ҳеч қандай қарама -қаршиликсиз ўзлаштириши лозим.

Бешинчиси, масалани чуқур англашидир. Иккинчи даражали масалалар ҳал қилиниб, муҳимлари қолиб кетмаслиги учун ҳар бир масалага конкрет ёндошиш учун ҳал қилишда маълум бир позицияда туриш қобилиятидир.

Олтинчиси, ёдлаш бўлиб, инсонларнинг илгари тасаввури ва ҳис қилган нарсаларини эсда сақлашдир.

Еттинчиси, хотира, илгари олган, ҳис қилган нарсаларидан лозим бўлганларини эслаш қобилиятидир. Шундай ғилиб, Давоний киши ёшлиқдан ўз ижодий қобилиятини ўстиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилиши лозим. У ҳақиқий бахт-саодатга эришаман деса, юқорида айтилганларни эгаллаши зарур, деб ҳисобланади.

У одамнинг қобилияти тўғрисида фикр юритар экан, айрим кишилар илмнинг қудратига ишонмай юқоридаги фазилатларни эгалламайдилар. Қўйилган масаланинг моҳиятини яхши тушунмай, ёш олимларни ҳам тўғри йўлдан адаштирганлар. Давоний донолик деганда ақлнинг билиш қудратини, ақл ёрдамида нарса ва ҳодисаларни билишни назарда тутганлиги таъкидланади.

Абу Наср Фаробий қарашлари. Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу-олам асослари ҳақидаги илмдир.



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

Уни ўргангач табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмондаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг умуман жонли табиат, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади дейди. Фаробий инсон камолотига ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига мухтож бўлади, деб ҳисоблайди.

Абу Али ибн Сино қарашлари. Ибн Сино «Ҳай ибн Яғзон», (Уйғоқ ўғил тирик) асарида илм-маърифатни ўрганишга киришиши натижасида кўзи очилгани, унинг натижасида ақл (Ҳай ибн Яғзон) кўзига кўрингани ва илм ҳам ўша ўз жамолини намоён қилганини ҳикоя қилар экан, илми-ақлни ўлим билмайдиган уйғоқ, қаримайдиган, ёш, бели букилмайдиган барваста нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур ғилиб зарур бўлган ва билиши мумкин бўлган нарсаларни ўғишга киришгани бу дунёда ақлни ишга солиб ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларни билиб олганлигини қайд этади.

Демак, «Ҳай ибн Яғзон» мантиқ илмига бағишлангани билан ҳам ижодий тарбияда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, инсондаги ёмон иллатларни ҳам бартараф этишда илму фан, зиёнинг аҳамияти инсондаги ағл – тафаккур қувватининг ёлғон иллатларидан қутилиши ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан қимматлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида билимни, буюк ўқувни улуғ деб таърифлайди. Чунки заковатли инсон улуғ бўлади, билимли киши, буюк бўлади, деб таърифлайди. Чунки заковат инсонни улуғлайди, билимли киши буюк бўлади, деб илмли кишиларни асл тоифадаги кишиларга қўшади. Олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга оширилиши мумкинлигини айтади. Ўша даврдаёқ «Билим ҳамон осмон сари йўл очур» деб башорат қилади.



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

Бу дунёда одам пайдо бўлибдики, фақат билимли кишиларгина эзгу иш қилиб, адолатли сиёсат юргизиб, келган деб инсон яратилганидаёқ унга билим заковат берилганлиги, ана шу билим ва заковати туфайли кишилар разолатдан покланганлигини уқтиради, ҳатто ҳукмдорлар ҳам юртини, давлатни ақл, илм, заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тўқ ва тинч ҳаёт кечиради дейди. У куч ва қуролни ақл ва билимдон кейинги иккинчи ўринга қуяди.

Кайковус қарашлари. Кайковус «Қобуснома» асарида ақл ҳақида ҳам фикр билдириб, инсон қобилиятининг бир хил эмаслигини, инсон ақлининг туғма, яъни азалий ақл (табиий ақл) ва касбий ақл, яъни мухтасиб (ўрганилган ақл) кабиларга бўлишини баён этади. Кайковус ақли ҳикма (фалсафа) билан касбий ақлни дониш ҳам дерлар, дейди. Мухтасиб ақлни ўрганиш мумкин, аммо азалий ақлни камол топади, деб кўрсатади. Мухтасиб ақлнинг такомиллашиб боришини, табиий ақл ҳам мухтасиб ақлсиз ривожланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди ва фикрлари билан таълим – тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор бериб инсоннинг камолга эришишида ижодий шакллантириш ғоясини илгари суради.

Кайковус билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол- дунёдан ҳам юқори қўяди. “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгил. Мол ила бой бўлгандан ағл билан бой бўлган яхшироғдур, нединким ағл била мол жам этса бўлар, аммо мол билан ағл ўрганиб бўлмас. Билғил, ағл бир молдирки уни ўғри ололмас, ўтда ёнгмас сувга оғмас деб таърифлар экан инсон одоби ҳам ақлнинг белгиси, деб хулоса чиқаради”².

² Кайковус. Қобуснома. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 27 бет



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-1, 2026**

Хулоса. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шахснинг билим олишга бўлган интилиши, ижодий қобилияти туғма қобилият ва индивидуал хусусиятларга боғлиқ эканлиги аниқланди. Шунингдек, билим, ўқув, ижод ҳар қандай инсонни юксакликка, камолот чўққисига эриштиради.

Шарқ мутафаккирларининг қарашларида умумий муштараклик мавжудлигини ҳис қилса бўлади. Улар болаларда ижодий тафаккурнинг ривожланиши ва ижодий қобилиятнинг ривожланиш омилларига алоҳида эътибони қаратганлар. Болаларда ижодий қобилиятни ривожлантириш келажакни ривожлантириш билан баробар. Учинчи Ренессансни пайдо қилувчи жамиятни

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Али ибн Сино. «Тиб қонунлари» 1-китоб. – Т.: «Муҳаррир», 2013. - 692 бет
2. Беруний, Абу Райҳон. (1968). Осор ал-боқия (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). Танланган асарлар. Том.I. / Таржимон А.Расулов. изоҳлар. И.Абдуллаев ва А.Расулов. - Тошкент: Фан, 1968. – 456 бет
3. Давоний Ж. Ахлоқи Жалолий. – Т.: «Шарқ», 2000. – 452 бет
4. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 224 бет
5. Каримова Л.М. Абдурахмон Жомий фалсафий дунёқараши шаклланиши генезиси. <https://cyberleninka.ru/article/n/abdura-mon-zhomiy-falsafiy-dunyo-arashi-shakllanishining-genezisi>
6. Хайруллаев М. Фаробий ва унинг фалсафий рисоалари Т.; «Фан» 1999. - 114 бет
7. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккирлари. Т.; «Ўзбекистон», 2001. – 214 бет
8. Ғозиев Э. Г. Тафаккур психологияси. Т.; «Ўқитувчи», 1992. -158 бет